

“АЁЛЛАР ДаФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАММОҚДА.



Юртбошимиз томонидан сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг нафакат ижтимоий фаоллиги, балки турмуши фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шу жумладан Қумкўрғон туманида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан “Аёллар дафтарига” киритилган 10 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари бериш тавсия қилинганди.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Ш.Жўраев томонидан тикув машиналари ўз эгаларига топширилди.